



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Чироқчи тумани 2022 йил 21 декабрь 4-1807-2201/1818-сонли иш

Чироқчи туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси А.Чулиевнинг котиблигида, аризачи вакили М.Ортиқов (ишончнома асосида) иштирокида, аризачи [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] хусусий корхонасига нисбатан берган аризаси бўйича ишни [REDACTED] биносида очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда – аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] хусусий корхонаси (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади)нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризада келтирилган важларни қўллаб-қувватлаб, маълумотнома тақдим қилиб жавобгар суд қунига қадар солиқ ҳисоботларни топширмаганлигини билдириб аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан суд ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантириш лозим деган тўхтамга келди.

Иш ҳужжатлардан кўринишича, [REDACTED] хусусий корхонаси томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган тартибда ва муддатда [REDACTED] тақдим қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан

кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текшириляётган шахс томонидан имзоладиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини англатади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидатсиялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати ўтгач ўн кун ичида тақдим этилмаган тақдирда, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор масъул иштирокчининг ёки ушбу консолидатсиялашган гуруҳ барча иштирокчиларининг операцияларига

